

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 2 (4)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES

Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик

Ўзбекистон Миллий университети

Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Убайдуллаева Барно Машрабжонова
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Нарбеков Абдикамил Вафаевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Замонов Акбар Тургинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор
Тошкент халқаро Кимё университети

Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти

Нормуродов Дильмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Усаров Умид Абдумавлянович
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

1. Адилов Аброр Анварович СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ДАВРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ВАКФ МАСАЛАСИ	4
2. Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI O'RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI	20
3. Бахранов Шерзад Таштурсунович., Сирлиев Эркин Назарович ИЗ ИСТОРИИ ТАМОЖЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РУССКО-СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ТОРГОВЛЕ	34
4. Замонов Акбар Тургинович ШАЙБОНИЙ АБДУЛЛАХОН ШАХСИЯТИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	45
5. Qodirova Ra'no Mamirjonovna O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINI O'QITILISHI	60
6. Maxmudova Muazzamxon Sultonmaxmudovna TEMURIYLAR SALTANATIDA SUG'ORISH TIZIMI MASALALARINI ROSSIYA IMPERIYASI VA SOVET DAVRI MANBALARIDA YORITILISHI	70
7. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ ХУСУСИДА	79
8. Рахманова Одинахон Равшанбековна САММАРСКИЙ ПЕРИОД ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЕ ХАЛИФОВ АЛЬ-МУТАСИМА И АЛЬ- ВАСИКА	93
9. Сиддиков Равшан Бердимуратович ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	101
10. Примов Мухиддин Омонович ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ОЧИЛИШИ ВА КАРТОГРАФ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР	118
11. Hakimova Shoiri Sag'dullayevna O'ZBEKISTON ELEKTROENERGETIKA SANOATIGA XORIJY SARMOYALARNING JALB ETILISHI	135
12. Hakimova Saida Baxtiyorovna O'TOSHKENT BEKLIGI T. BURNASHEV VA M.POSPELOV NIGOHIDA	150
13. Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi HAZRATI IMOM MAJMUASIGA TARIXIY SAYYONAT	156
14. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СОВЕТ МАФКУРАГА МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИЧА УРФ ОДАТЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	162

Примов М. О.

Т.ф.ф.д., (PhD) доцент в.б.

Тошкент Перфект Университети

Muxiddinjon@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ОЧИЛИШИ ВА КАРТОГРАФ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистонда картография соҳаси билан боғлиқ фанлар тизимини шакллантириш, малакали кадрларни тайёрлаш, кенг камровли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, янги типдаги картографик асарларни махсус мазмунини ишлаб чиқиш ва уларни нашрга тайёрлаш, эришилган ва эришилаётган ютуқларни тезкорлик билан таълим ва тарбия жараёнига ҳамда амалиётга жорий этиш, соҳа муаммоларини яхлитлаш, истиқболли илмий йўналишларни белгилаш соҳасида амалга оширилган ишлар, фаолият юритган ташкилотлар ва уларнинг картографик фаолиятларини тадқиқ этишга бағишланган. Мақолада Ўзбекистон картограф кадрларнинг етишиб чиқиши тарихи ҳамда картография билан шуғулланган илмий жамиятлар ва муассасалар фаолиятидаги муаммо, камчиликларга доир маълумотлар тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: Аэрофотосурат, картография, геодезия, топограф, мелиоратив, география, геоэкология, ландшафт, Тошкент метрополитени, атлас компановкаси.

Примов М. О.

PhD., и.о. доцента

Университет Перфект Ташкента

Muxiddinjon@mail.ru

ВОПРОСЫ ОТКРЫТИЯ СПЕЦИАЛИСТОВ И ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ В ОБЛАСТИ КАРТОГРАФИИ АННОТАЦИЯ

Статья посвящена формированию системы наук, связанных с областью картографии в Узбекистане, подготовка квалифицированных кадров, проведение широких научных исследований, разработка специального

содержания новых видов картографических работ и подготовка их к изданию, быстрое внедрение достигнутых и достигнутые достижения в учебный процесс и практику. Он посвящен исследованию проведенной работы в области обобщения проблем отрасли, определению перспективных научных направлений, действующих организаций и их картографической деятельности. В статье описывается история развития картографических кадров в Узбекистане, а также сведения о проблемах и недостатках в деятельности научных обществ и учреждений, занимающихся картографией.

Ключевые слова: Аэрофотосъемка, картография, геодезия, топография, мелиорация, география, геоэкология, ландшафт, Ташкентский метрополитен, атлас компановка.

Primov M.O.

PhD., Associate professor
Perfect university of Tashkent
Muxiddinjon@mail.ru

ON THE ISSUE OF OPENING CARTOGRAPHY SPECIALISTS AND TRAINING CARTOGRAPHIST PERSONNEL IN UZBEKISTAN ABSTRACT

The article is devoted to the formation of a system of sciences related to the field of cartography in Uzbekistan, training of qualified personnel, conducting wide-ranging scientific research, developing the special content of new types of cartographic works and preparing them for publication, quickly introducing the achieved and achieved achievements into the education and training process and practice. It is dedicated to researching the work carried out in the field of rounding up the problems of the field, defining promising scientific directions, the organizations that have been operating and their cartographic activities. The article describes the history of the development of cartographic personnel in Uzbekistan, as well as information on problems and shortcomings in the activities of scientific societies and institutions engaged in cartography.

Key words: Aerial photography, cartography, geodesy, topography, reclamation, geography, geoecology, landscape, Tashkent metropolitan, atlas.

KIRISH

Картографиянинг ривожланишидаги катта ютуқлар асосан кадрларни пухта тайёрлаш, тизимли илмий изланишларни ташкил этиш ва картографияни мустақил фан сифатида шакллантириш билан боғлиқ. 1917 йилда СССР Ландшафт Институтида геодезия факультети очилди. 1923 йилда эса ўз вақтида биринчи олий картография мактаби Москва ер кадастри институтининг (ҳозирги Москва геодезия, аэрофотосурат ва картография муҳандислари институти) геодезия факультетида ва 1929–1930 йилларда Москва ва Ленинград университетларининг география кафедраларида картография ихтисослиги ташкил этилган эди. Совет илмида кўзга кўринган шахслар – геодезист Ф.Н. Красовский ва географ А.А. Борзовнинг таъсири картографларнинг мустақам геодезик ва географик асосда ўқитилишини таъминлади[16].

Картография мутахассисликлари очилиши картографларнинг муҳандислик тайёргарлиги, картография ишлаб чиқариш технологиясига нисбатан кенгроқ тасаввурга эга бўлишига имкон берди. Иккала картография мактаби ўртасидаги маълум бир фарқ бўлсада, улар агар картограф харитада бирон бир майдонни моҳиятини тушунмаса, унинг характерли хусусиятларини кўрмаса уни тўғри тасвирлаб бўлмайди, деган умумий фикрга асосланди. Кейинчалик бошқа олий ўқув юртларида ҳам картограф мутахассисларни тайёрлаш ташкил этилиб, ўрта малакали картографлар картография бўлимларига эга бўлган топографик техник билим юртлари тугатилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистонда эса картография соҳаси билан боғлиқ барча фаолиятни, хусусан соҳа бўйича фанлар тизимини шакллантириш, малакали кадрларни тайёрлаш, кенг камровли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, янги типдаги картографик асарларни махсус мазмунини ишлаб чиқиш ва уларни нашрга тайёрлаш, эришилган ва эришилаётган ютуқларни тезкорлик билан таълим ва тарбия жараёнига ҳамда амалиётга жорий этиш, соҳа

муаммоларини яхлитлаш, истикболли илмий йўналишларни белгилаш маркази бу – Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг География факультети таркибидаги Геодезия ва картография кафедраси ҳисобланади.

Геодезия ва картография кафедраси 1921 йили профессор Н.И. Лебединский ташаббуси билан ташкил этилиб, 1921–1945 йилларда кафедра турли факультетларнинг таркибида фаолият юритди. 1920–1932 йилларда университет қошидаги Тупроқшунослик ва геоботаника институтида дала экспедицияси материаллари асосида Ўзбекистоннинг деярли бутун ҳудудининг тупроқ ва ўсимлик хариталари тузилди[15].

1923 йилда институт ходимлари Н.А.Димо, Р.И.Аболин, М.А.Орлов, М.Н.Воскресенский, К.М.Клавдиенко 1:1 000 000 масштабдаги Ўрта Осиёнинг биринчи обзор тупроқ харитасини тузишган. Бу харита 1927 йилда қайта ишланиб, Вашингтон Халқаро конгрессида ҳам намоиш этилди. Ушбу институт томонидан 1920–1931 йилларда Ўрта Осиёда 150 дан ортиқ экспедиция ўтказилиб, 1, 2, 5, 10 вёрстли ва 1:50 000, 1:100 000, 1:500 000 масштабли махсус тупроқ ва ўсимлик хариталари тузилиб, катта қисми рангли фонда топографик усулда нашр этилди.

1926 йилда Ўрта Осиё давлат университети олимлари Б.А.Федченко ва О.Э.Кнорринг совет давридаги илк геоботаник хариталардан бўлмиш “Туркистон ўсимликлари қоплами харитаси”ни тузишган. Шу университет олимларидан Е.П.Коровин ҳам 1933 йилда 1:3 000 000 масштабли Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон ўсимликлари харитасини ишлаб чиққан бўлса, 1930 йилларда бу ишлар давом этиб, И.И.Гранитов ва Ш.М.Агабабян Ўзбекистон ўсимликларининг 1:500 000 масштабли, И.И.Гранитов Жануби-ғарбий Қизилқум ўсимликларининг 1:200 000 масштабли геоботаник хариталарини ишлашди. 1926 йилда нашр этилган Д.В.Наливкиннинг “Туркистон геологияси очерки” китобида 40 вёрстли геологик харита илова қилинган**.

*Уни тузишда Ўрта Осиё давлат университети олимлари А.С. Уклонский, В.Г. Мухин, М.М. Протодяконов, О.К. Ланге, Н.И. Толстихин, Н.В.Шабаров ва бошқаларнинг хизматлари катта.

XX асрнинг 20-йиллари охири–30-йиллари бошида Тупроқшунослик ва геоботаника институт олимлари М.А.Орлов Ўзбекистоннинг, М.А.Панков – Тожикистоннинг, К.М.Клавдиенко Қорақалпоғистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг ва бутун Ўрта Осиёнинг обзор тупроқ хариталарини тузишди. Н.В.Кимбергнинг ёзишича, институт ходимлари 1931–1932 йилларда Ўрта Осиёдаги 30 га яқин пахтакор совхоз (майдони 200 минг га)нинг 1:100 000 масштабли тупроқ хариталарини тузиб чиқишган[4].

30-йилларнинг охиридан картографияга картографик хариталарни (вокеликни намоиш қилишнинг махсус методи сифатида) ва жараёнларини ўрганадиган фан сифатида кўриб чиқила бошланди[17]. Буларнинг барчаси картографиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшди.

Иқтисодий картография бўйича илмий ва назарий тадқиқотлар олиб борган Совет иқтисодий географ ва картографлари иқтисодий картографияда методологик асосларни киритишди. 1932 йилда МДУ нинг География илмий-тадқиқот институтида иқтисодий хариталар бўйича махсус семинар ташкил этилди. Ўша вақтдан бошлаб ушбу университетнинг География факультетида “Иқтисодий картография” курси ўқитилди. Кейин ушбу курс баъзи бошқа ўқув муассасаларининг ўқув дастурларига киритилди [3].

Мактаб картографиясининг ривожланишида 1932 йилдаги Бутуниттифок Коммунистик Партияси Марказий Қўмитаси(б) ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1934 йилда ўрта мактабларда географияни ўқитишга оид қарорлари таъсир кўрсатди, уларда “географик харитани пухта билиш” зарурлиги таъкидланди.

1939 йилда хариташуносликнинг биринчи нашри – олий таълим учун дарслик нашр этилди. Ундаги картографик проекциялар назарияси муваффақиятли ишлаб чиқилган бўлиб, уни ишлаб чиқишда В.В.Каврайскийнинг хизмати катта бўлди[17].

1945 йили Ўрта Осиё давлат университетида мустақил География факультети ташкил қилингандан сўнг, унинг таркибида тўртта кафедра,

чунончи табиий география, иқтисодий ва ижтимоий география, куруқлик гидрологияси ҳамда геодезия ва картография кафедраси иш бошлади. Факультетда 1946 йили картография ихтисослиги очилди ва 1950 йили биринчи ёш картограф мутахассислар тайёрлашга эришилди. Кафедрага дастлаб проф. Н.И.Лебединский, сўнг топограф Ф.Л.Торопкин, проф. И.Г.Красовский, катта ўқитувчи И.Г.Черняк, доцент Ч.В. Гальков, проф. Т.М.Мирзалиев, доцентлар Е.Г.Бродский, А.Эгамбердиев, Л.Х.Ғуломова ва Х.Мубораков мудирлик қилишган.

Шу ўринда Ўзбекистонда картография соҳасига ихтисослашган юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга ўзининг катта ҳиссасини қўшган таниқли олимлардан М.И.Никишов, И.Ю.Левицкий, К.А.Салишев, И.П.Заруцкая, Н.С.Подобедов, О.А.Евтеев ва Т.В.Верешака каби олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

1958 йилда Ўзбекистон ССР да картограф кадрларни тайёрлаш учун Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган педагогика институтлари ўқув дастурларига кўра талабаларга хариталарни тузиш, таҳрир қилиш ва нашр этиш тўғрисида 32 соат маъруза ва хариталарни тузиш ҳамда ўқишни ўрганиш учун 32 соат амалий машғулоти учун дарс соати ажратилган[13]. 1956 йилда эса картографларни тайёрлаш учун тузилган бу дастурдаги дарс соатлари 56 соатни ташкил этарди[14]. Бундан кўриниб турибдики, картограф кадрларга бўлган талаб уларни янада яхшироқ ўқитишга ва дарс соатларни кўпайтиришга олиб келган.

Ўзбекистонда атлас картографияси илмий мактабининг шаклланиши ва ривожланишига ҳамда ушбу соҳанинг тараққиётига катта ҳисса қўшган олим, география фанлари доктори, профессор Турғунбой Мирзалиев номи билан бевосита боғлиқ. У кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон картографларининг ютуқлари билан хориж мамлакатлари олимларини танитди ва яратилган картографик асарларнинг кенг илмий жамоатчилик томонидан тан олинисини таъминлади.

1965 йили Т.Мирзалиев ўзбек картографлари орасида биринчи бўлиб,

таниқли олим, техника фанлари доктори, профессор М.И.Никишов раҳбарлигида «Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини харитага олишнинг айрим масалалари» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди[22]. 1964–1966 йилларда Т.Мирзалиев Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги География бўлимида катта илмий ходим лавозимида, 1966 йил 1 сентябрдан ТошДУ География факультети «Геодезия ва картография» кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатди.

Турғунбой Мирзалиевнинг ташаббуси билан 1967–1968 ўқув йилидан бошлаб мазкур кафедрада «География» мутахассислиги негизида «Географ-картограф» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш қайта йўлга қўйилди[25].

Ушбу йўналиш бўйича 1971–1975 йиллар давомида етишиб чиққан картографларни қуйидаги жадвал орқали билиб олишимиз мумкин[20]:

	“Географ-картограф” мутахассислиги бўйича
Таълим тури	Кундузги
1971 йил	11
1972 йил	10
1973 йил	7
1974 йил	11
1975 йил	6

Афсуски, 1976 йилдан токи 1996 йилгача ушбу кафедрада «Географ-картограф» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатиб қўйилди. Картограф мутахассислар асосан Москва ва Ленинград университетларида таълим олишга мажбур бўлдилар.

Профессор Зиёвуддин Мухиддинович Акрамов Ўзбекистонда иқтисодий география фанини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган ва бу соҳада география фанлари доктори илмий даражасига эришган биринчи ўзбек олими ҳисобланади. З.Акрамов Ўзбекистонда иқтисодий география

фанининг ривожланишига, жумладан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги комплексига боғлиқ турли, соҳаларни мажмуали иқтисодий-географик жиҳатдан ўрганиш, шу асосда иқтисодиёт тармоқларини республика минтақалари бўйлаб оқилона ҳудудий ташкил этиш ва комплекс ривожлантиришни тадқиқ этиш ишларига асос солган олимлардан бири саналади[8].

Олиб борган илмий ишларининг натижаси ўларок, 1953 йилда “Наманган вилоятига иқтисодий-географик тавсиф” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимнинг номзодлик иши доирасида олиб борган илмий тадқиқотларининг натижалари 1955 йилда “Наманган вилояти” номи билан нашр этилган.

Ўзбекистоннинг Жанубий Оролбуйи минтақаси, Мирзачўл ва Қизилқум чўллари пийда кезиб чиққан Асом Рафиқов ушбу ҳудудлардаги геотизимларнинг денгиз қуриши билан боғлиқ ҳолда турли даврларда тадрижий ўзгаришини комплекс тадқиқ этиб, яратган қатор асарлари билан ўзбек мелиоратив география ва геоэкологияси илмий йўналишлари шухратини бутун дунёга ёйди.

1972 йилдан бошлаб олимнинг фаолияти Ўзбекистон Фанлар академиясининг География бўлими билан бевосита боғлиқ. 1972–1990 йиллар давомида Жанубий Оролбўйига бир неча бор сафар қилган олим Орол денгизи атрофидаги ландшафтларнинг тадрижий ўзгаришини мукамал ўрганган[1].

А. Рафиқов серқирра илмий фаолият олиб борган ўзбек олимларидан. Унинг илмий тадқиқотлари қамрови кенг бўлиб, географик башоратлаштириш, инсон хўжалигининг фаолияти таъсирида табиий муҳит ва экологик вазиятнинг ўзгариши, мелиоратив география, арид минтақаларида чўлланишнинг ривожланиши, Орол денгизи ва Жанубий Оролбуйи муаммоси, геоэкология, экологик хариталаштириш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олади.

Олим 40 йиллик фаолияти давомида самарали ижод қилиб, 270 дан ортиқ илмий мақола, 12 та монография, 10 та рисола, 5 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма ёзган ва 1982–1983 йиллари чоп этилган II жилддан иборат комплекс географик илмий-маълумотнома “Ўзбекистон ССР атласи”ни яратишда катта ҳисса қўшган[23].

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни комплекс равишда хариталаштириш ва шу асосда турли ижтимоий хариталарни яратиш масалаларини тадқиқ этишнинг ривожланишида география фанлари номзоди доцент Асомберди Эгамбердиевнинг хизматлари катта. Тошкент давлат университети География факультетига 1966 йилда «картография» йўналиши бўйича қабул қилинган дастлабки гуруҳнинг битирувчи сифатида олим картография, айниқса, ижтимоий-иқтисодий картографияга оид илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва ушбу фанни олий мактабда ўқитиш борасидаги сай-харакатлари туфайли Ўзбекистоннинг таниқли картография мутахассисларидан бирига айланди[24].

А.Эгамбердиев илмий ва амалий фаолиятини 1972 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг География бўлимида кичик илмий ходим лавозимида бошлаган. 1974 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Тошкент давлат университети Геодезия ва картография кафедрасига ишга таклиф этилган. Университетдаги педагогик фаолиятни илмий тадқиқотлар билан бирга олиб бориб, 1983 йилда Украина ФА География институтида «Пахтачиликни атласли харитага олиш (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

А. Эгамбердиев Ўзбекистоннинг дастлабки «Ўқув ўлкашунослик атласи» (1981), Ўзбекистоннинг икки жилдли комплекс географик илмий маълумотнома атласи (1982–1985), «Социал-иқтисодий картографии» (1989), қишлоқ хўжалиги хариталари ва атласларини илмий муҳаррири, муаллифи ва ҳаммуаллифидир.

300 дан ортиқ илмий ишлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи

А.Эгамбердиевнинг илмий фаолият доираси кенг қамровли бўлиб, у Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги картографияси ва комплекс харитага олишнинг ривожланиши, ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболларига бағишланган.

Техника фанлари доктори, профессор Сафаров Эшқобул Юлдашович 1980 йили Москва геодезия, аэрофотосъемка ва картография инженерлари институти (ҳозирги Москва геодезия ва картография университети) Картография факультетини тугатиб, Тошкент инженер-техник қидирув институти (ТашГИИТИ)да бошлаб, дастлаб инженер, кейинчалик гуруҳ раҳбари ва махсус бўлим бош мутахассиси лавозимларида ишлади ва Тошкент шаҳридаги йирик қурилиш объектларини лойиҳалашда, чунончи Тошкент метрополитени, Туркистон санъат саройини қурилишида фаол иштирок этди.

Э.Ю.Сафаров илмий-педагогик фаолиятини 1988 йили ЎзР ФА География бўлимида кичик илмий ходим лавозимида бошлади[18]. У бу ерда таниқли олимлар А.А.Рафиқов ва Т.М.Мирзалиевлар раҳбарлигида суғориладиган ерларда ирригация ва мелиорация ишларини олиб бориш, аэрокосмик суратларни дешифровка қилиш, лойиҳалаш ва тузиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Лола Гуломова 1980 йилда МДУ нинг география факультетига картография йўналиши бўйича аспирантурага кириб, 1983 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлагач ТошДУ нинг (ҳозирги ЎзМУ) Геодезия ва картография кафедраси ўз илмий фаолиятини давом эттирган. Илмий ишлари асосан аҳолининг географик жойлашувида аэрокосмик усуллардан фойдаланишга бағишлаб, 1982–1985 йилларда яратилган комплекс географик *илмий*-маълумотнома “Ўзбекистон атласи”га катта ҳисса қўшган. Л.Гуломова томонидан битта монография, бир қатор мавзули хариталар ва ўқув қўлланмалар яратилган[7].

Ўзбекистон картографлари ичида илм йўлини танлаган ва пировард натижада шу соҳанинг таниқли мутахассиси бўлган олим география фанлари

номзоди, доцент Жўрабой Сарибоевич Қорабоев 1979 йили МДУ нинг «Картография ва Геодезия» кафедраси профессори И.П.Заруцкая раҳбарлигида «Картография» мутахассислиги бўйича «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш хариталарини махсус мазмунини ишлаб чиқиш ва *тузиш услублари*» (Ўзбекистон мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди[24]. Диссертацияда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси учун 1:1 000 000 масштабдаги «Табиатни муҳофаза қилиш» харитаси яратилган ва кейинчалик бу харита 50 нусхада кўпайтирилиб Ўзбекистонга тарқатилди.

Журабой Сарабоевич 1980–1988 йилларда ГЦ «Природа» ташкилоти Ўзбекистон бўлимининг илмий-текшириш секторига раҳбарлик қилди. Бу сектор, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари учун 1:500 000 масштабдаги мавзули хариталарни аэрокосмик маълумотлар асосида тузишни бошқарди. Табиий бойликларни мажмуавий картографик инвентаризация қилиш ишларида фаол қатнашди. У сектор ходимларининг фаол иштироки билан Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари учун ландшафт ва табиатни муҳофаза қилиш хариталари яратди ва нашр қилди. Бундан ташқари олим 1982–1985 йилларда чоп этилган Ўзбекистон Республикасининг икки жилдлик мажмуали атласи дастурини ёзишда, атлас компоновкасини тузишда ва табиатни муҳофаза қилиш бўлими хариталарини тузишда фаол иштирок этди.

1988–1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг бош мутахассиси лавозимида ишлаб, собик Иттифокда биринчилар қаторида чоп этилган 1:1 000 000 масштабдаги Ўзбекистон Республикасини экологик харитасини тайёрлашда иштирок этди.

География фанлари номзоди, доцент Қорабаева Тўхтагон Махкамбаевна 1972–1976 йилларда 2 жилдди Ўзбекистоннинг мажмуали комплекс атласини яратишда фаол иштирок этди. Мазкур атласнинг дастурини, компоновкасини, табиий хариталар бўлимларидаги хариталарни тузишда харита муаллифларига картограф маслаҳатчи сифатида ёрдам бериб борди.

Шу атласдаги табиий шароитни мелиорация ва қишлоқ хўжалик мақсадлари учун баҳолаш хариталарининг ҳаммуаллифидир.

1977–1980 йилларда Т.М.Қорабоева МДУ нинг картография ва геодезия кафедрасида профессор К.А.Салищев раҳбарлигида аспирантурада тахсил олди ва 1981 йилда картография мутахассислиги бўйича “Суғориладиган ва янги ўзлаштирилаётган ерларнинг табиий шароитини мелиорация мақсадлари учун баҳолаш хариталарининг мазмунини яратиш услуги” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди[24].

1980–1984 йилларда у ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академияси география бўлимида давом эттириб, Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган Тошкент географик атласини яратишда фаол иштирок этди.

1984 йилдан ТИҚХМИИ нинг ер тузиш факультети геодезия кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лозимларда ишлаб, талабаларга «Қишлоқ хўжалиги картографияси», «Ер тузишда картография», «Муҳандислик геодезияси» фанларидан билим берди.

Ўтган йиллар мобайнида ушбу кафедрада геодезия, картография ва кадастр соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрланди. Ҳозирги вақтда уларнинг кўпчилиги ушбу соҳага оид ишлаб чиқариш корхоналарида, илмий-тадқиқот ҳамда ўқув муассасаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Картографик хариталар тайёрлашда тарихчи олим ва археологларнинг ҳам ўзига хос хизматлари бор. Хусусан, С.П.Толстов маълумотига кўра, 1946 йил СССР Фанлар академияси археология-этнографик экспедицияси Хоразм суғорилиш тизимини ўрганиб, Хоразмнинг қўшни ҳудудлар билан археологик харитаси тузишган. Бу ишлар С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археология-топографик отряди раҳбари тарихчи Б.В.Андрианов томонидан тузилган[19].

1956 йил кузида профессор Я.Ғуломов 1956–1959 йилларда Бухоро воҳаси Кампирак деворининг 200 км ни ўрганиш жараёнида шу ҳудуднинг харитасини тузишган[11].

1960 йил Ёш археологлар тўгараги аъзолари кўмаги билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институти Археология бўлимида Ўзбекистон ҳудудидаги тош даври манзилгоҳлари харитаси тузилган[12].

1960 йил кузида Сурхондарё вилояти жанубий қисмларида жойлашган археологик ёдгорликларни аниқлаш ва харитага тушириш учун тадқиқот ишлари бошланади ва 80 тача тахминий харита тузилади. Термиз, Ангор, Шеробод, Янгиарик, Жарқўрғон, Шўрчи ва қисман Сариосиё ўрганилади[2].

1961 йил Сибирь ва Узоқ Шарқ халқлари маданияти илдизлари алоҳида тасвирланган биринчи регионал тарихий-этнографик атлас нашрдан чиқди. 1968 йил нашрдан чиққан тарихий-этнографик “Рус” атласида СССР ҳудудининг аҳолиси ҳўжалиги ва маданияти алоҳида элементлари (турар жой қурилиши, кийим кечаклари) бўйича тавсифлаб кўрсатилган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон атласи жуда катта меҳнат самараси бўлиб, этнографик маълумотлар асосида тизимлаштирилган мукамал комплекс хариталардан иборатдир. Ҳар бир боб махсус тарихий-этнографик очерк, расмлар альбоми, типологик жадвал ва хариталар билан тўлдирилган. 1967 йил декабрда Ашхободда бўлган биринчи йиғилишда атласни тайёрлаш бўйича самарали ишлар қилинди. Масалан, умумий таҳрир ҳайъати, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан белгиланган ҳудудларга масъул жамоалар тузилди. “Тарихий-этнографик атлас” мавзуси 1969–1970 йилларда Ўрта Осиё республикалари фанлар академиялари режаларида, 1971–1975 йилларнинг истиқболли режаларига киритилди. 1968 йилдаёқ СССР Фанлар академияси Этнография институти ва иттифоқдош республикалар фанлар академиялари атлас учун дала тадқиқотларини бошлаб юборишди[9].

1963 йилда ТошДУ археология кафедраси билан ҳамкорликда тузилган Кеш архео-топографик экспедицияси Қашқадарёда ўз ишини бошлайди. Экспедиция 1967 йил ёзида уч қисмга Китоб (раҳбари археолог Н.И.Крашенинников), Шаҳрисабз (раҳбари археолог З.И.Усмонов) ҳамда Қарши (раҳбари М.Е.Массон) бўлиниб ишни давом эттиради. Шу йили

кадимги Қашқадарё воҳаси қулдорлик жамияти манзилгоҳларини харитага тушириш ва Қашқадарё сув ҳавзасининг Х–ХІІІ аср бошларидаги ҳолатини харитага тушириш ишлари бошланган. Натижада 1 га майдонни эгаллаган Китоб кўрғони ва Қаландартепа манзилгоҳлари хариталаштирилган. Оқибатда Қарши ва Шаҳрисабз ҳудудлари картографиясида сезиларли ўзгариш бўлган[6].

1964 йил Хоразм археология-этнография экспедицияси кўмагида 19 та янги археологик ёдгорликлар аниқланиб, Оролбўйи ҳудуди хариталаштирилишига сабаб бўлди. Бу ҳақида А.В.Гудковнинг “Тоқ-қалъа”(1964) монографиясида маълумот берилган[5].

1967 йил 22 апрелда СССР Вазирлар Кенгаши қарори билан бир қатор олимлар ва ишчи ходимлар мукофотланди. Булар қаторида ҳозирги Қарши воҳаси, Ғарбий Бухоро ва Нурота тизмалари қадимий ҳудудларини хариталаштирган картографлар ҳам бор эди[10].

1969 йил 20 февралда Тошкентда ялпи мажлисда география фанлари доктори С.И.Брук “СССРда регионал тарихий-этнографик атласлар тузиш принциплари” тўғрисида ва тарих фанлари доктори Т.А.Жданко “Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тарихий-этнографик атласини тайёрлаш йўллари” мавзусида маъруза қилишди. Жами 30 та маърузада атласда киритилиши керак бўлган суғориш, ер хўжалиги, ҳайвонот ва кийим-кечаклар ҳақида сўз юритилди. Энг асосийси атлас тайёрлашда турли йўналиш мутахассисларининг ҳамкорлигига эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтиш керакки бу атласни тайёрлашда тарих фанлари доктори Т.А.Жданконинг хизмати катта бўлди.

1969 йил 20-25 февралда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг “Тарихий-этнография атласи”ни тайёрлаш бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институти ва СССР Фанлар академияси Этнография институти томонидан ташкил этилган иккинчи регионал кенгаш бўлиб ўтган. Унда СССР Фанлар академияси этнографлари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Фанлар академияси этнографлари, тарихчилар, иқтисодчилар,

санъатшунослар, географ ва археологлари, Москва, Тошкент, Туркменистон Давлат университетлари, Омск педагогика институти лингвистлари, Ленинград Давлат халқлар этнографияси музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Туркменистон давлат ўлкашунослик музейи ходимлари ва бошқа худудлардан 40 нафар олим қатнашган[9].

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари С.Азимов уларни Ўзбекистондаги яшаши ва фаолият олиб бориши учун барча шароитларни таъминлашга масъул бўлган[21]. Конференция якунига кўра келгусида Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг Тарихий этнографик атласини тайёрлаш учун вазифалар тақсимлаб олинган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, тарихчи олимлар, этнограф ва археологлар ўзларининг илмий изланишлари давомида тарихий худуднинг ўрнини аниқлаш ёки тарихий чегарасини белгилаш мақсадида ўзига хос тарихий-картографик хариталарни яратишга муваффақ бўлишган ва бу орқали албатта картография фани ривожига ўзига хос ҳисса қўшишган.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Абдуназаров Ў.Қ., Миракмалов М.Т. А.А.Рафиқов – серқирра илмий ижод соҳиби ва илмий мактаб асосчиси // Орол ҳавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2019. – Б. 8
2. Альбаум Л.И. Археологические работы на территории Южно-Сурханского водохранилища // ОНУ. – Ташкент, 1962. – №2. – С. 60.
3. Баранский Н., Преображенский А. Экономическая картография. – М.: Гос. изд-во геогр. лит. 1962. – С. 47.
4. Гальков Ч.В., Раҳимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон карталари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 96-97.
5. Камалов С. Развитие общественных наук в Каракалпакской АССР // ОНУ. – Ташкент, 1973. – №1. – С. 22.
6. Массон М.Е., Лунина С.Б. Пятый сезон археологических работ в Кашкадарье // ОНУ. – Ташкент, 1968. – №6. – С. 62.

7. Мирзалиев Т. Картография. – Тошкент, 2002. – Б. 46.
8. Мирзалиев Т.М., Мухитдинов Ш.М., Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекской ССР. – Ташкент: «Фан», 1990. – С. 36.
9. Мирхасилов С. Совещание по вопросам подготовки «Историко-этнографического атласа Средней Азии и Казахстана» // ОНУ. – Ташкент, 1969. – №5. – С. 52-53.
10. Муминов И.М. Итоги и задачи научных исследований в области истории естествознания в Узбекистане // ОНУ. – Ташкент, 1967. – №6. – С. 32.
11. Мухамедов Х. «Стена Канпирак» Из истории древних народных оборонительных сооружений в Узбекистане // ОНУ. – Ташкент, 1961. – №1. – С. 45.
12. Парфенов Г.В. Работа кружка юных археологов института истории и археологии АН УзССР В 1960 ГОДУ // ОНУ. – Ташкент, 1961. – №1. – С. 71.
13. Педагогик институтларнинг программалари. Топография ва картография асослари. – Тошкент, 1958. – Б. 20.
14. Педагогика институтлари учун программалар. Карташунослик ва топография асослари. – Тошкент, 1956. – Б. 22-23.
15. Раҳимбеков Р.У. Из истории изучения природы Средней Азии. – Ташкент: Ўқитувчи, 1970. – С. 71-87.
16. Салищев К.А. Картоведение. – М.: Изд-во Московского университета, 1976. – С. 369.
17. Салищев К.А. Картография. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 255-257.
18. Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М., Беканов Қ.К. Жанубий Оролбўйи ерларини тадқиқ қилишда картографик метод ва геоахборот тизимларининг роли // Орол ҳавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б. 20-21.

19. Толстов С.П. О землях древнего орошения в низовьях Аму-дарьи и Сыр-дарьи и возможности их освоения в современных условиях // ОНУ. – Ташкент, 1961. – №8. – С. 3-4.
20. Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви.
21. ЎзМА Р-837-фонд, 41-рўйхат, 1489-иш, 187-варақ.
22. Хотира. Турғунбой Мирзалиевич Мирзалиев // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 58 - жилд. – Тошкент, 2020. – Б. 345.
23. Шарипов Ш.М. Рафиқов Асом Алимович – олийжаноб инсон, серқирра олим, ғамхўр устоз // Орол ҳавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б. 4-7.
24. Эгамбердиев А. Атлас картографияси илмий мактаби // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 43 - жилд. – Тошкент, 2014. – Б. 204.
25. <http://geografiya.uz/tadqiqotlar/466-turgunboy-mirzaliyev.html>